БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 17 (1021)

24 ЯНВАРЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносида Тошкент область IX партия конференцияси очилади.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА ОТАШИН САЛОМ!

Тошкент область IX партия конференцияси

Бугун Тошкент область IX партия конференцияси очилади. Область партия ташкилоти ўзининг IX партия конференциясига КПСС Марказий Комитети атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкам жипслашган, жанговарлиги янада ошган ҳолда келди. Область партия ташкилоти партиямиз XX съезди қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Саноат, қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлиги анча яхшиланди.

Область саноат корхоналари олтинчи беш йилликнинг биринчи ва иккинчи йили планларини муваффақиятли бажардилар. Сўнгги икки йил ичида саноат корхоналари пландан ташқари 850 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Ўтган йили меҳнат унумдорлиги 1956 йилдагига нисбатан 6,4 процент ошди, маҳсулот таннархи анча камайди.

Область партия комитети қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш услубини такомиллаштира бориб, қишлоқ райкомларига, бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни бир мунча яхшилади. Пахтачиликни ривожлантириш область партия ташкилотининг асосий диққат марказида бўлди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юз берган қийинчиликларни енгиб, партия ва ҳукуматимизнинг ёрдамига таяниб, шаҳар аҳолиси ва район марказлари меҳнаткашларининг ёрдами билан ўтган йили мамлакатга 406 минг тонна пахта етказиб бердилар. Олтинчи беш йилликнинг икки йили ичида пахта етиштириш 100 минг тоннага кўпайтирилди. Шунингдек, ғалла, пилла, луб экинлари, қоракўл териси, сабзавот, картошка, полиз экинлари, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва харид қилиш планлари ҳам муддатидан илгари бажарилди. Маданий қурилиш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди, уй-жой қурилиши кенгайтирилди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилган муваффақиятлар область партия ташкилотларининг олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларининг натижаси, ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Бўлиб ўтган район ва шаҳар партия конференциялари партиялилар оммасининг активлиги ошганлигини, коммунистлар билан омма ўртасидаги алоқа мустаҳкамланганлигини кўрсатди. Конференцияларда делегатлар ютуқларни кўрсатиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни большевикчасига танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар. Область партия конференцияси шаҳар ва район партия конференциялари ишига якун ясайди, партия, совет, хўжалик ташкилотларининг йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилишга сафарбар этади.

Областимиз саноати ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш планини умуман ортиғи билан бажарган бўлса ҳам, лекин 60 корхона планини бажараолмади, давлатга 38 ярим миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Иқтисодий тежашга қатъий риоя қилинмади, айрим корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати паст бўлди. Илғор технология ва илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга суст жорий қилинмоқда. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш аҳолининг кундан-кунга ўсиб бораётган талабларини тўла қондира олмаётир. Капитал қурилиши соҳаси энг қолоқ участкалардан бири бўлиб қолмоқда. Тошкент иқтисодий районининг саноат корхоналари ишини планлаштириш масаласида, темир йўл транспорти ишида ҳам катта камчиликлар бор.

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтириш учун курашда мавжуд техникадан ва ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдаланилмаётир. Бунинг натижасида баъзи бир колхоз, совхоз ва районларда ҳосилдорлик камайиб кетмоқда. Кам ҳосил олаётган қолоқ ва кам қувват колхозларни ўртача ва илғор колхозлар даражасига кўтариш шу кунинг талабига жавоб бермайди. Чорвачилик ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни айрим колхоз ва совхозлар ҳали ҳам бажармаётирлар. Кўкламги экишга тайёргарлик ишлари ҳам суст бормоқда. Конференция ана шу камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташлаши, саноат, қишлоқ хўжалигини, маданиятни янада юксалтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаши лозим.

1958 йил областимиз экономикаси ва маданиятини янада гуркираб юксалтириш йили бўлади. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йилги давлат планини тасдиқлади. Конференция партия ташкилотларининг асосий эътиборини 1958 хўжалик йили планини муваффақиятли бажариш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқишга, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун кўкламги экишга тайёргарликни кучайтириб юборишга қаратмоғи керак.

Партия органларининг раҳбарлик иш услубини тиммай такомиллаштириб бориш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтариш, идеология ишларини коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб бориш масалалари конференция делегатларининг диққат марказида туриши керак. Шунга эришайликки, партия органларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш савияси янада яхшилансин, кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси мустаҳкамлансин, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ҳамда идеология ишларини яхши йўлга қўйиш соҳасида олиб бораётган бутун фаолияти партия, ҳукуматимиз томонидан совет халқи олдига қўйилган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини бажаришга ёрдам берсин!

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети колхозчиларга, МТС ва совхоз ходимларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, мутахассисларга ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Областимиз меҳнаткашлари Мурожаатни зўр сиёсий активлик ва меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олдилар. Меҳнаткашларнинг ижодий куч ва ғайратини қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш юзасидан Мурожаатда илгари сурилган ғоят муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этиш — область партия ташкилотининг вазифасидир.

Область партия конференцияси партия ташкилотларининг ғоявий ва сиёсий жиҳатдан ўсганлигини, янада чиниққанлигини, жипслашганлигини кўрсатади, танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ишимиздаги мавжуд камчиликларни очиб ташлайди, барча меҳнаткашларни, партия, совет ва хўжалик ташкилотларини 1958 йил давлат планини муваффақиятли бажаришга, КПСС XX съезди қарорларини тўла амалга ошириш учун курашга сафарбар этади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. Поповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Самарали илмий-педагогик фаолияти учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Владимир Иванович **Поповга** — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология институтининг старший илмий ходимига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Д. Д. Столяровни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан узоқ йиллар ва ҳалол ишлаганлиги учун Дмитрий Дмитриевич **Столяров** — В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг таълим иши проректорини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан кўкламги экишга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтирайлик!

☆

Меҳнат унумдорлигини ошириб, харажатларни камайтирамиз

Боёвут. Райондаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари об-ҳавонинг ноқулай шароитида ҳам ўтган қишлоқ хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунладилар. Фидокорона меҳнат туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. 1225 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 27,5 ўрнига 30 центнердан ҳосил топширилди. Колхоз хўжалиги комплекс равишда ривожланмоқда, экин майдонлари партов ерлар ҳисобига кенгайтирилиб, мўл ҳосил етиштирилаётир.

Колхозчилар, механизаторлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг «Колхозчиларга, МТС ва совхозларнинг ходимларига, мутахассисларга ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига» қарата ёзган Мурожаатини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Артель аъзолари Мурожаатни чуқур ўрганиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини белгиламоқдалар.

— Коллектив хўжалик, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Т. Латипов, — Мирзаўл воҳасида ташкил қилинган. Биз экин майдонларини бўз ерлар ҳисобига кенгайтираётирмиз. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли хўжалик ҳар тарафлама ўсмоқда, меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Биз пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга эришмоқдамиз. Колхозимизда мўл ҳосил етиштирилаётгани натижасида меҳнатнинг қиймати йилдан-йилга ортиб бораяпти. Ўтган йил 1956 йилга нисбатан 597 минг сўм кўп даромад олинди. 63 минг 700 та меҳнат куни тежалиб, бунинг эвазига 1 миллион сўм иқтисод қилдик. Колхозчиларимиз партия, ҳукуматимизнинг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида меҳнат ғайратларини янада оширдилар. Биз бу йил ҳар гектардан давлатга 35 центнердан пахта топширишга қарор қилдик.

Колхозчилар зўр уюшқоқлик билан кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ариқзовурлар тозалаб, тахт қилиб қўйилди. 1387 гектар ер шудгор қилинди. Бошқа қишки тадбирлар ҳам муваффақиятли ўтказилаётир. Ф. Суяров, Ж. Латипов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил учун кураш мусобақасида олдинда бормоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхозчиларга, МТС ва совхоз ходимларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, мутахассисларга ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига қарата чиқарган Мурожаати колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари томонидан зўр кўтаринкилик билан кутиб олинди. Ҳозир бу Мурожаат колхоз ва совхозларда маъқулланмоқда ҳамда кенг муҳокама қилинмоқда. **Суратда:** Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг агитатори ўртоқ **Н. Эрматов** бир группа колхозчиларга Мурожаатни ўқиб эшиттирмоқда.

В. Салов фотоси.

Паррандачиликни ривожлантириш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтирамиз

Оржоникидзе. Паррандачилик, дийилади Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Мурожаатида, чорвачиликнинг тез кўпаядиган ва фойдали тармоғидир. Паррандачилик меҳнат, ем, маблағ кам сарф қилингани ҳолда қисқа вақт ичида кўпроқ миқдорда ғоят мазали гўшт олиш ва мамлакат аҳолисининг тухумга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятини беради.

Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхоз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, чорвачиликнинг фойдали тармоғи—паррандачиликни ривожлантиришнинг тадбирларини белгилаб чиқмоқдалар. Ўтган йили бу колхозда 600 товуқ боқилиб, бу товуқларнинг ҳар биридан 93 донадан тухум олинган эди.

Колхоз аъзолари бу йил товуқларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашаётирлар, товуқларнинг сони 1,5 мингга етказилади. Уларнинг ҳар биридан камида 100 тадан тухум олиш планлаштирилган. Товуқчилик фермасининг мудири О. Тўлаганов ва товуқбоқар М. Кучаренко ўртоқлар бу янги мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини таъминлаш учун курашалилар.

Бунинг учун колхозда барча имкониятлар бор бўлишига қарамасдан илгари ўрдак ва гоз боқиш ишларига етарли эътибор берилмаслан келинар эди. Колхозчилар бу йил ана шу камчиликни тугатадилар. Шу мақсадда 300 га яқин ўрдак ва гоз сотиб олинади.

— Колхозимиз территориясида,— дейди паррандачилик фермасининг мудири ўртоқ О. Тўлаганов, — фойдаланилмаслан ётган ерлар, ўрдак ва гоз боқиш учун ғоят қулай бўлган ҳовузлар, кўлмак сувлар тўпланиб ётадиган жойлар кўп. Биз бу йил ана шу ерлардан унумли фойдаланамиз, ўрдак ва гозлар сонини йилдан-йилга кўпайтирамиз.

Колхоз аъзолари ҳозир бу соҳада тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган топшириғининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

Колхоз хўжалиги янада ривожланади

ЮНУСОБОД, «Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг бундан бўён ҳам қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг ривожлантиришга қарата чиқарган Мурожаатини мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари, шу жумладан Ворошилов номли колхоз аъзолари зўр қувонч билан қарши олдилар.

Калинин районидаги бу колхоз аъзолари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, картошка, сабзавот экинлари ҳосилдорлигини ошириш, сигирлардан кўпроқ сут соғиб олиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва колхозчилар меҳнатининг қимматини оширишда катта ютуқларга эришмоқдалар.

Жумладан, 1956 йилда ҳар гектар ердан 21,1 тоннадан картошка ҳосили олинган бўлса, 1957 йилда 255 гектар ернинг ҳар гектаридан 24,5 тоннадан картошка йиғиб олинди. Колхозда сабзавот, полиз экинларидан ҳам шу хилда юқори ҳосил етиштирилди.

Колхозда сут етиштириш ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1956 йилда 452 тоннадан кўпроқ сут етиштирилган бўлса, 1957 йилда 590 тоннадан кўпроқ сут соғиб олинди. Ўтган йили колхоз бўйича 155 сигирнинг ҳар биридан соғиб олинган сут 4110 килограммданга тўғри келди.

Сигирлардан кўп сут соғиб олишда илғор сут соғувчилар яхши натижаларга эришмоқдалар. Бўриниса Исҳоқова 1956 йилда ҳар бир сигирдан 3779 килограммдан сут соққан эди. 1957 йилда унинг боқимидаги 14 сигирнинг ҳар биридан соғиб олинган сут 1215 килограммданга кўпайди ва 4941 килограммга етди.

Колхоз аъзолари астойдил ишлаб, маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришга эришдилар. Масалан, 78 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 316 центнердан кўкпоя олинди. Шу туфайли колхозда 26688 центнер силос бостирилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг ярқоли ҳар 100 гектар ер ҳисобига кўпроқ сут, гўшт, ёғ етиштириш тўғрисидаги чақириғига амал қилиб ишлаган колхозчилар ўтган йили ҳар юз гектар ер ҳисобига 454 центнердан сут ва 85 центнердан гўшт етиштирдилар.

Колхоз ўтган йили хўжаликнинг барча турлари бўйича планни тўла адо этганлиги туфайли 1956 йилга нисбатан 2 миллион сўм кўп даромад олди, умумий даромадни 10 миллион сўмга етказди. Колхозчилар меҳнатининг қиммати анча ошди. Агар 1956 йилда бир меҳнат кунига 16 сўм пул, 8 килограммлан сабзавот, картошка тақсимланган бўлса, ўтган йили 20 сўмдан пул, 10 килограммлан сабзавот-картошка тақсимланди.

Колхозда 1958 йил мўл ҳосили учун тайёрлик ишлари қизитиб юборилган. Ҳозиргача барча экин майдонлари 100 процент шудгор қилиб қўйилди. Ариқ-зовурларнинг 80 процанти тозаланди. 3 минг тоннадан кўпроқ гўнг тайёрланди. 500 тонна гўнг далага ташиб чиқарилди. Янги Мурожаат эса колхоз аъзоларини янгидан-янги муваффақиятларга янада руҳлантириб юборди.

ВАЖ

Сирдарё районидаги Ленин номли донгдор колхозда қишки тадбирнинг амалга оширилиши дуруст бўлса керак деб ўйлаган эдик. Афсуски шундай бўлиб чиқмади. Бу колхоз ерларни шудгор қилишда ҳам, шўрини ювиш, нам сақлаш мақсадида ерларни суғориш, ирригация тармоқларини тозалаш ва гўнг тайёрлашда ҳам районда энг орқада қолган. Колхозда ҳозиргача 1770 гектар ер шудгор қилинган. Райондаги ҳамма колхозларда деярлик гўзапоялар йиғиштириб олинган ҳолда бу колхозда ҳанузгача 1202 гектар пахта майдонининг 682 гектаридан гўзапоя йиғиб олинмаган. 9500 тонна ўрнига фақат 500 тонна гўнг тайёрланган. Ариқ-зовурларни тозалаш иши ҳали бошланган ҳам эмас.

Агар вақтинча раислик вазифасини бажараётган ҳосилот советининг раиси Д. Гайворонский, колхоз агрономи П. Қўчқорхўжаев ўртоқлар билан бу ҳақда суҳбатлашиб қолсангиз, улар ҳақиқий аҳволни хаспўшлаб, турли важларни кўрсатишга уринадилар. Улардан:

— Колхозда неча кубометр ҳажмдаги ариқ-зовур тозаланиши лозим эди, қанчаси тозаланди, — деб сўрасангиз:

— Қанчалиги номаълум, чунки райондан ҳали план берилмаган, ариқ-зовурларни тозалаш ишини бошлаганимиз йўқ, — дейдилар.

— Сабаби?

— Мумкин эмас, чунки ҳозир ариқлар тўла сув, бу сув билан ерларнинг шўрини ювиш лозим, — дейдилар.

— Бўлмаса, қанча ернинг шўри ювилди?

— Бу ишга ҳам киришганимиз йўқ, чунки бизда жуда оз ер суғорилиши керак.

— Райондан берилган планга қараганда 450 гектар ер суғорилиши лозим экан-ку?

— Йўғ-е, унчалик эмас, 250 гектар бўлса керак. Ҳа, 250 гектар, холос.

Маълум бўлишича мана шу 250 гектар ерни ҳам суғоришга киришмаптилар. Колхозда гўнг тайёрлашнинг бориши тўғрисида суҳбатлашсангиз ҳам айнан шу хилда жавоб берадилар. Ишнинг юришмаганини хаспўшлаш учун талай важларни маржон қилиб ташлайдилар. Хуллас бу колхозда биз «важ бору, иш йўқ экан» деб қайтдик.

Ўтган йили Сирдарё районида ҳар гектар ердан 1956 йилга нисбатан 3 центнердан кам ҳосил олинди. Районда ҳосилдорлик камайиб кетди. Давлатга пландагига нисбатан 2400 тонна кам пахта топширилди. Бунга райондаги ўртоқлар дастлаб ўтган йили қиш даврида пахта майдонларининг шўри жуда кам ювилганлигини, нам сақлаш учун ерлар запас суғорилмаганлигини, натижада баҳорда кўп майдонлардаги чигит ернинг намига ундириб олинмаганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Шундай экан ўтган йили йўл қўйилган бу хато ва камчиликларнинг бу йил албатта тузатилишига эришиш керак эди.

Афсуски, район раҳбарлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам кўра-билиб туриб бу хатога яна йўл қўймоқдалар. Ерларни суғориш, шўрини ювиш ишига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. План бўйича 13 минг гектар ернинг шўри ювилиши, нам сақлаш учун суғорилиши лозим бўлса, ҳозиргача шундан 2966 гектар ер суғорилган.

Маълумки, Сирдарё районида ерларни суғориш, шўрни ювиш Киров каналининг сувига боғлиқ. Ҳа демай Киров каналини тозалаш бошланиб сувни тўхтатиб қўйилади. Шунга қарамай районда бу иш пайсалга солинмоқда, иш суст бораётганлиги учун яна ерларнинг шўри ювилмай қолиш хавфи туғилмоқда.

Ўртоқ Бочкарев директорлик қилаётган «Малик» совхозида 3 минг гектар ўрнига энди 165 гектар ер суғорилган. Қишки тадбирларни амалга оширишдаги сусткашлик фақат «Малик» совхозида, Ленин номли колхозлагина эмас, райондаги «Ленинизм», «Ёш ленинчи», «Ленинград», Ворошилов номли бир қатор колхозларда ҳам юз бераётир.

Райондаги совхоз ва колхозларда ер ҳайдаш ишларини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Ҳаммаси бўлиб районда 65 та ҳайдов трактори ишлаши керак. Бу механизмлар ёрдами билан бир суткада камида 658 гектар ерни шудгор қилиш мумкин бўлгани ҳолда, бор-йўғи 270-300 гектар ер шудгор қилинмоқда. Ҳаво очиқ, ер қуруқ пайтларда ҳам «ер лой» деган баҳона билан кўп вақт тракторлар бекор туриб қолмоқда.

Кўклам экин кампанияси бошлангунга қадар ирригация тармоқларини тўла равишда тозалаб қўйиш катта аҳамиятга эга. Бироқ бу муҳим иш ҳам орқага суриб юборилмоқда. Агар бу ҳақда район ишлаб чиқариш участкасининг инженери ўртоқ П. Маслов билан суҳбатлашиб қолсангиз, у дарҳол «ҳозир барибир ариқларни тозалаб бўлмайди, чунки ариқлар сув билан тўла» дейди. Агар унга райондаги барча ерлар ҳам суғорилмайди-ку, суғорилмайдиган ерлардаги ариқларни тозаларберса бўлмайдими, десангиз елкасини қисади. Хуллас, ўртоқ Масловнинг гапидан бу ишга ҳам ўзибўларчилик билан қараётгани яққол сезилиб турибди.

Планга мувофиқ районда бу йил 965 гектар партов ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилиши лозим. Аммо бу иш ҳам қатор-қатор важларнинг қурбони бўлмоқда. Масалан, шу ерларнинг 400 гектари ҳукумат қарорига мувофиқ «Главголодностепстрой» кучи билан ўзлаштирилиши лозим. Лекин бу ҳақда район ташкилотлари томонидан «Главголодностепстрой» бошлиғи ўртоқ А. Саркисовга бир неча бор хат ёзилганлигига қарамай иш ҳали бошланганги йўқ. «Главголодностепстрой» бу вазифани 2-СМУ бошлиғи ўртоқ Трименкога топширган. Бироқ у турли баҳоналар билан ҳанузгача ишни бошламаётир. СМУдаги ўртоқлар олдин бу ишга проект тузилмаган деб важ қилиб келган бўлсалар, эндиликда тузилган проектнинг қаерда эканлигини билмаётибмиз, деб баҳона қилмоқдалар. Шундай баҳоналар натижасида райондаги Хрушчев номли, «Правда», Ленин номли, «Ленинобод», «Ленинизм» ва «Ёш ленинчи» колхозларида ўзлаштирилиши лозим бўлган 400 гектар ер ўзлаштирилмай қолмоқда.

Шу кунларда Сирдарё районидаги кайси идорага, кайси колхоз, кайси совхозга борманг иш ўрнига шу хилда қатор-қатор баҳоналарга, важларга дуч келасиз. Лекин шуни яхши билиш керакки, бундай баҳоналар билан ерларни ҳайдаб бўлмайди, шўрлар ювилмайди, гўнглар тайёрланмайди, ариқ-зовурлар тозаланиб, портов ерлар ўз-ўзидан ўзлаштирилиб қолмайди. Важ ўрнига амалий иш қилиш керак.



Турли баҳона-важни уйган билан тоғ бўлмас,
Фурсатни қўлдан берган деҳқон кўнгли чоғ бўлмас.

М. Воробейчиков чизган расм.

☆

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Кеча, 21 январда, Москвада СССР бешинчи чақириқ Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ В. В. Гришин СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловда Марказий сайлов комиссияси олдида турган вазифаларни айтиб берди.

«СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»га мувофиқ Марказий сайлов комиссияси сайлов ҳужжатларининг формаларини: Иттифоқ Советига сайлов юзасидан сайлов бюллетени (оқ рангли), иттифоқчи республикадан Миллатлар Советига сайлов юзасидан сайлов бюллетени (ҳаво рангли), автоном республикадан Миллатлар Советига сайлов юзасидан сайлов бюллетени (пушти рангли) формаларини белгилади. Комиссия Округ сайлов комиссиясининг депутатликка кўрсатилган кандидатни рўйхатга олиш тўғрисидаги протоколи, Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш протоколи ва Округ сайлов комиссиясининг овоз бериш протоколи формасини, шунингдек Иттифоқ Советига ва Миллатлар Советига депутат сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома формасини тасдиқлади.

Марказий комиссияси сайлов комиссиялари печатларининг нусхаларини ҳамда сайлов қутисининг нусхасини белгилади.

Марказий сайлов комиссияси СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Округ ва Участка сайлов комиссияларига юбориладиган мактуб текстларини қабул қилди. Бу мактубларда бўладиган сайловда Округ ва Участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари баён этилган.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари билан алоқа боғлашни таъминлаш тўғрисида ССР Иттифоқи Алоқа министри ўртоқ Н. Д. Псурцевнинг доклади тингланди.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам қараб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИНГ ФОРМАСИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЮЗАСИДАН

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

195__ йил „__“ _____

Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи

_____нчи_____сайлов округи

Сайлов бюллетенида ўзингиз ёқлаб овоз берадиган БИР қандидатнинг фамилиясини қолдирингиз, бошқаларини ўчирингиз.

Депутатликка кўрсатилган кандидатнинг фамилияси, номи, отасининг исми	Депутатликка ким томонидан кандидати кўрсатилди

Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи _____

Округ Сайлов комиссиясининг раиси _____

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЮЗАСИДАН

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

195__ йил „__“ _____

Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи

_____нчи_____сайлов округи

_____дан

(иттифоқчи республиканинг номи)

Сайлов бюллетенида ўзингиз ёқлаб овоз берадиган БИР қандидатнинг фамилиясини қолдирингиз, бошқаларини ўчирингиз.

Депутатликка кўрсатилган кандидатнинг фамилияси, номи, отасининг исми	Депутатликка ким томонидан кандидати кўрсатилди

Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи _____

Округ Сайлов комиссиясининг раиси _____

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЮЗАСИДАН

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

195__ йил „__“ _____

Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи

_____нчи_____сайлов округи

_____дан

(автоном республика, область ёки миллий округнинг номи)

Сайлов бюллетенида ўзингиз ёқлаб овоз берадиган БИР қандидатнинг фамилиясини қолдирингиз, бошқаларини ўчирингиз.

Депутатликка кўрсатилган кандидатнинг фамилияси, номи, отасининг исми	Депутатликка ким томонидан кандидати кўрсатилди

Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи _____

Округ Сайлов комиссиясининг раиси _____

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг

БИЛДИРИШИ

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг адреси қуйидагича:

Москва шаҳри, Пушкин кўчаси, Союзлар Уйи, 8-подъезд, телефон № Б—9—12—21.

Иттифоқ Советига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссияларининг составини тасдиқлаш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қарори

Тошкент шаҳри № 2 1958 йил 22 январь.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети **қарор қилди:**

«СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 43, 44 ва 45-моддаларига асосан, Иттифоқ Советига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятларининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:

614. ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

(маркази — Тошкент шаҳри)

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Содиқ Мусаевич **Мусаев** — Тошкент область касаба союзлари Советидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Борис Павлович **Абуянчиков** — Тошкент район коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — София Михайловна **Радченко** — Тошкент район, «Назарбек» совхози ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва хизматчиларининг йиғилишидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Вера Лукьяновна **Безимянная** — Солдатск жут-канап заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишидан;

Соат Саидович **Орипов** — Чиноз район, Вревский касалхонаси медицина ходимларининг коллективидан;

Ҳабиб **Аҳмедов** — Тошкент район, Сталин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Турғуной **Маманазарова** — Чиноз район, Ленин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Зуҳра **Нишонова** — Октябрь район, Сталин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Отахон Мақсудович **Абдуназаров** — Янгийўл консерва заводи ишчи ва хизматчиларининг йиғилишидан;

Тамара Николаевна **Желобкова** — крупа корхоналари Тошкент заводи бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишидан;

Ёқуб **Юсупов** — Қорасув район, Свердлов номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

615. ОЛМАЛИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

(маркази — Олмалиқ шаҳри)

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Василий Кириллович **Ткаченко** — «Алмаликсвинецстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишидан.

Округ сайлов комиссиясининг ўринбосари — Муҳайё Абдуллаевна **Николаева** — Олмалиқ шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, газета редакциялари ва босмахона коммунистик партия ташкилотларидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Александра Афанасьевна **Лустова** — Олтинтопган комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Тамара Константиновна **Федотова** — Янгиобод шаҳар ижроия комитети ходимларининг коллективидан;

Марям Қосимовна **Раҳимова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Ўртасарой район ташкилотидан;

Холдорбой **Пўлатов** — Оққўрғон район «Ленинобод» колхози аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Хўжа **Алиқулов** — Оҳангарон кўмир разрези коммунистик партия ташкилотидан;

Леонид Тимофеевич **Цой** — Ўртасарой район ижроия комитети Давлат муассасалари ходимлари касаба союзи аъзоларининг йиғилишидан;

Зикрилла **Холматов** — Оҳангарон район халқ маорифи бўлими ходимлари коллективининг йиғилишидан;

Любовь Константиновна **Русанова** — Пискент район халқ маорифи ходимларининг касаба союзидан;

Ғаффор **Азаматов** — Бўка район, Вильямс номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

616. ФАРҲОД САЙЛОВ ОКРУГИ

(маркази — Бекобод шаҳри)

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Иброхим Файзиевич **Муҳамедов** — Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Николай Алексеевич **Гренадеров** — Бекобод шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Валентина Сергеевна **Махаева** — Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи завод бошқармаси ходимларининг коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Қаҳҳор **Абдуллаев** — Мирзачўл район, «Коммуна» колхози комсомол ташкилотидан;

Пўлатжон **Улмасов** — Боёвут район, Жданов номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Федор Максимович **Колотилин** — Урсатьевская станцияси ишчилари ва хизматчиларининг йиғилишидан;

Нина Васильевна **Ковригина** — Мирзачўл шаҳар, 2 ва 3-ўрта мактаблар ходимларининг коллективидан;

Раиса **Юнусова** — Верхне-волинск район, 1-ўрта мактаб ходимларининг коллективидан;

Ксения Александровна **Ражева** — Сирдарё район, 1-ўрта мактаб ходимларининг йиғилишидан;

Мирзаахмад **Раҳимов** — Гулистон район, Ленин номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Умрқул **Хайдаров** — Бекобод район, Навоий номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан.

617. ЧИРЧИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

(маркази — Чирчиқ шаҳри)

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Воҳид Хайдарович **Хайдаров** — Чирчиқ шаҳар ижроия комитети ходимлари коллективининг йиғилишидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Фаттоҳ Ғафурович **Ёқубов** — Чирчиқ шаҳар коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Антонина Леонтьевна **Левашова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Чирчиқ шаҳар ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ҳалича Гарифуловна **Гумирова** — «Чирчиксельмаш» заводининг 2-цехи касаба союз ташкилотидан;

Таисия Хрисанфовна **Струбкова** — Ғазалкент консерва заводи касаба союз аъзоларининг йиғилишидан;

Исмоил **Қосимов** — Калинин район, Ворошилов номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Антонина Юнусовна **Арслонова** — Бўстонлиқ район медицина ходимларининг йиғилишидан;

Ҳуриниса **Эгамбердиева** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Паркент район ташкилотидан;

Мангим Григорьевич **Хван** — Юқори Чирчиқ район, «Политотдел» колхози аъзоларининг умумий йиғилишидан;

Пўлат **Исматов** — Юқори Чирчиқ район, «Париж Коммунаси» колхози аъзолари умумий йиғилишидан;

Карим Хўжаевич **Тошхўжаев** — Оржоникидзе район, бирлашган район касалхонаси медицина ходимларининг коллективидан.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси Ҳ. ЖАЛИЛОВ.
Тошкент область ижроия комитетининг секретари Ҳ. ҚОБИЛОВ.

Иттифоқ Советига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссияларининг составини тасдиқлаш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

Тошкент шаҳри № 40 1958 йил 22 январь.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилди:**

«СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 43, 44 ва 45-моддаларига асосан, Иттифоқ Советига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятларининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:

612. ТОШКЕНТ ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Васила Соликовна **Содикова** — Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министрлиги коммунистик партия ташкилотидан;

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Валентин Иванович **Волкодав** — корбарунд заводи электро цехининг ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишидан;

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Амалия Гавриловна **Сутягина** — Марказий телеграф коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Александра Петровна **Филиппова** — анкологик диспансер медицина ходимларининг коллективидан;

Алексей Александрович **Петренко.**

Хосият **Ёқубжонова** — Октябрь район Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан;

Наби **Ҳалилов** — эгар-жабдуқ-галантерия фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективининг йиғилишидан;

Соҳиба Обидовна **Обидова** — парфюмерия фабрикаси коммунистик партия ташкилотидан;

Николай Дмитриевич **Пучинин** — Тошкент кўн комбинати ишчи ва хизматчилари коллективининг йиғилишидан;

Екатерина Ефимовна **Сухорукова** — Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи йигирув-тўқув фабрикаси касаба союз ташкилотидан;

Дилором **Юсупова** — «Главмясорибторг»нинг Ўзбекистон конторасы ходимларининг коллективидан.

613. ТОШКЕНТ ЛЕНИН САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — Дониёр Искандарович **Мангелдин** — темир йўл транспорти ходимларининг касаба союзидан;

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Ольга Ивановна **Сергунькова** — Ўрта Осиё политехника институти профессор-ўқитувчилари состави ва студентларининг йиғилишидан;

Округ сайлов комиссиясининг секретари — Саломат **Муҳамаджонова** — электро ремонт заводи ишчилари ва хизматчилари коллективининг йиғилишидан;

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Озода **Деҳқонбоева** — 1-тикув фабрикасининг 2-цехи ишчи ва хизматчиларининг коллективидан;

Жўра **Усмонов** — «Ўзбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан;

Тамара Басировна **Латипова** — экскаватор заводи коммунистик партия ташкилотидан;

Анатолий Александрович **Коньков** — «Ўзбекхлопмаш» заводи коммунистик партия ташкилотидан;

Анна Степановна **Коваленко** — 32-мактаб ўқитувчилари коллективидан;

Александр Раҳмонович **Икромов** — трамвай-троллейбус трести коммунистик партия ташкилотидан;

Мушарраф Эргашевна **Зиямуҳамедова** — Марказий район Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан;

Александр Викторович **Попов** — Октябрь революцияси номли завод Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. ТУРСУНОВ.
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг секретари В. УМАРОВ.

Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ўзбекистон республика сайлов комиссиясининг мажлиси

22 январда Тошкентда Х. М. Абдуллаев раислигида Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ўзбекистон республика сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда сайловга ташкилий-техник тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари И. В. Бабков комиссия аъзоларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик юзасидан конкрет таклифларни белгилаганлигини айтди. Сайлов ҳужжатлари бланкалари марказлаштирилган тартибда ўз вақтида тайёрланиб, жойларга етказиб берилган. Сайлов бюллетенларини тайёрлаш учун оқ, ҳаво ва пушти рангли қоғозлар олинган. СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг текстлари рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида босилган брошюралари жойларга юборилган.

Сайлов комиссияси ўзининг иш планини тасдиқлади, комиссия аъзоларининг навбатчилик тартибини белгилади, комиссия ҳузурида юридик консультация ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИДАН

Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссияларининг составини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 47, 48 ва 49-моддаларига мувофиқ, Миллатлар Советига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятларининг қуйидаги вакилларидан иборат состави тасдиқлансин:

76. ТОШКЕНТ — КИРОВ ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ

(Маркази—Тошкент шаҳри, Киров район Совети).

Округ сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ Файзулла **Юнусов** — Давлат нашриёти коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — ўртоқ Ада Александровна **Статникова** — Октябрь районидаги 83-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — ўртоқ Татьяна Антоновна **Аванумемко** — транспорт машинасозлик заводи коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

1. Апполинарий Григорьевич **Долженко** — Тошкент ремонт-механика заводи касаба союз ташкилотидан.

2. Мели **Турсунов** — 1-мебель фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

3. Азиза **Исматова**—«Канцкультпром» ҳунармандчилик артели правлениесидан.

4. Николай Михайлович **Долгих**—аэросъёмка ишчи ва хизматчиларидан.

5. Ҳури **Мунавварова**—2-болалар касалхонасининг медицина ходимлари коллективидан.

6. Ғаффор **Файзиев** — «Ўзбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

7. Людмила Александровна **Разумова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзи Киров район ташкилотидан.

8. Илья Абрамович **Абрамов** — машинасозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

77. ТОШКЕНТ — ЛЕНИН ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ

(Маркази — Тошкент шаҳри, Ленин район Совети).

Округ сайлов комиссиясининг раиси — ўртоқ Василий Иванович **Лухманов** — Тошкент темир йўл узели коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — ўртоқ Муқаддас **Сайфуллаева** — «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари Ўрток Ляля **Аҳмедова**—Тошкент кондитер комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

1. Борис Иванович **Никоноров** — «Подъёмник» заводи касаба союз ташкилотидан.

2. Акулина Кононовна **Жутова** — Канаф фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

3. Саид Саидович **Мақсумов** — вакция ва зардоб касалликлари илмий-текшириш институти илмий ходимлари коллективидан.

4. Валентина Васильевна **Епифанова** — «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

5. Акрам **Қўрғонбоев** — 2-автопарк касаба союз ташкилотидан.

6. Лилия Матвеевна **Яновец** — Ленинчи Коммунистик ёшлар союзи Куйбишев район ташкилотидан.

7. Ғулом **Зоиров** — «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

8. Мария Сергеевна **Рожнова** — Тошкент медицина институти профессор-ўқитувчилари составидан.

78. ТОШКЕНТ — ФРУНЗЕ ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ

(Маркази—Тошкент шаҳри, Фрунзе район Совети).

Округ сайлов комиссиясининг раиси — ўртоқ Зикрилло Абдуллаевич **Абдуллаев** — Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — ўртоқ Мустақим **Турсунов** — Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти босмахонаси ишчи ва хизматчиларидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — ўртоқ Анна Яковлевна **Кочнева** — «Узнефтегазразведка» трести ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

1. Геннадий Иванович **Синицин** — «Таштекстильмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2. Моҳира Мирвоҳидовна **Мирабдуллаева** — 1-пойафзал фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

3. Мавжуда **Абдурахмонова** — Фрунзе районидаги ёғоч савдоси склади ишчи ва хизматчилари коллективидан.

4. Мария Макаровна **Ефанова** — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Фрунзе район ташкилотидан.

5. Ҳалима **Зиёвутдинова** — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессор-ўқитувчилар составы ва студентларидан.

6. Асқад **Мухторов** — Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзидан.

7. Алла Ивановна **Чернявская** — радиолампа заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

8. Мавлон Ғаффорович **Ваҳобов** — Тошкент олий партия мактабининг ўқитувчилар состави ва тингловчиларидан.

79. ТОШКЕНТ — ҚИШЛОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

(Маркази — Тошкент шаҳри)

Округ сайлов комиссиясининг раиси — ўртоқ Назрулла Маннонович **Маннонов** — НИХИ илмий ходимлари, ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — ўртоқ Александра Федоровна **Подлубная** — Давлат муассасалари Совета союзлари ходимларининг республика комитетидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — ўртоқ Мария Федоровна **Блохина** — Тошкент облплан ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

1. Асад **Раҳматов** — Куйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоларидан.

2. Ҳолдор **Расулев** —Юқори Чирчиқ районидаги Органчи қишлоқ Совети ходимлари коллективидан.

3. Дилорам **Ҳидоятова** — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоларидан.

4. Тўра **Шерматов** — НИХИ Ўрта Осиё машина-синаш станцияси ходимлари коллективидан.

5. Жўра **Зуфаров** — Янгийўл 1-ёғ заводи ишчилари, инженер-техниклари ва хизматчилари коллективидан.

6. Абилҳасан **Султонов** — Бўстонлиқ МТСи ишчилари, инженер-техниклари ва хизматчиларидан.

7. Акрам **Аҳмаджонов** — Паркент районидаги «Коммуна» колхози аъзоларидан.

8. Асия **Баикараева** — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоларидан.

80. ЯНГИЕР САЙЛОВ ОКРУГИ

(Маркази — Янгиер шаҳри)

Округ сайлов комиссиясининг раиси — ўртоқ Абдулла Ғуломович **Абдунабиев** — Янгиер шаҳар Коммунистик партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — ўртоқ Алексей Тимофеевич **Вовняков** — Урсатьевский темир йўл станцияси транспорт ходимлари касаба союзидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — ўртоқ Нина Александровна **Заварина** — санитария-техника монтаж ишлари бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

1. Хайри **Мирсоатова** — Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

2. Ортиқбой **Отақулов** — Гулистон районидаги Крупская номли колхоз аъзоларидан.

3. Турсун **Файзиев** — Беговот районидаги «Чаноқ» совхози ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчилари коллективидан.

4. Умри **Бобоева** —Мирзачўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоларидан.

5. Соттихон **Ҳамробоева**—Верхне-Волинский районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоларидан.

6. Исроил Солиевич **Мўминов** — Хилково цемент заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

7. Бердибой **Абдуллаев** — Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхози аъзоларидан.

8. Замон **Абжалов** —Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоларидан.

„Партия турмуши“ журналининг 1-сони чиқди

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг журнали «Партия турмуши»нинг 1-сони босмадан чиқди.

Журналда «Касаба союзлари — коммунизм мактаби» сарлавҳали бош мақола, «Партия ташкилотларининг жанговарлик фаолиятини оширайлик», «Янгилик енгмоқда», «В. И. Ленин коммунистлар билан омманинг алоқаси тўғрисида», «Биз суҳбатларни қандай ўтказмоқдамиз», «Қарорларнинг ижроси учун курош — ишда муваффақият қозонишимизнинг гарови», «Машғулотлар ҳаётга яқин бўлсин», «Партия маорифи уйининг фаолияти» сарлавҳали ва бошқа мақолалар босилган.

Бундан ташқари журналда «Консультация», «Саволларга жавоб» ва «Партия хроникаси» деган бўлимлар ҳам бўлиб, уларда қизиқарли материаллар ёритилган.

Журнал ҳар ойда бир марта Ўзбек тилида чиқарилади. Журнал бир сонининг баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

Янгийўл районидаги 2-МТС коллективи барча техникани кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйди

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Илғор механизаторлардан ўрнак олиб, кўкламга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтирайлик!

Шудгорлашда ҳам, техникани кўкламга тайёрлашда ҳам пахтакорлар ҳурматига сазовор бўлган илғор механизаторлар — **М. Отаматов** (чапда), **А. Абдуллаев** ўртоқлар.

Умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшамиз

С. АКРАМОВ,
МТС директори.

МТСимиз зонасидаги қатор колхозларда ўтган йили пахта йиғим-терими анча кеч тамомланди. Шунинг учун ҳам кузги шудгорни 1956 йилдагига қараганда анча кейин бошлашга тўғри келди. Шудгор — мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим тадбирларидан бири. Бу вазифани ўз вақтида амалга оширган деҳқон ҳар тарафлама ютади. Нега деганда баҳорги ишлар — чигит экиш ва уни бир текис ундириб олиш билан боғлиқ бўлган ишлар енгиллашади. Ерда узоқ вақт нам сақланиб қолишига эришилади.

Ана шунга яхши тушунган МТСимиз механизаторлари ҳам, ўтган йили шудгорлашни кечиктириб, пахта ҳосилининг сезиларли даражада камайиб кетишига сабабчи бўлган колхоз раҳбарлари ҳам бу йилги мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлаш мақсадида шудгорлашни тезлаштириб юбордилар. Бутун куч ва ички имкониятларни мана шу муҳим соҳага тўла сафарбар этдик. Механизаторларимиз ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, меҳнатни тўғри ташкил этиб, 1957 йилнинг шу кунигача канча пахта майдони шудгор қилинган бўлса, бу йил ундан ҳам ошириб шудгор қилиш учун астойдил курашдилар. Колхозларнинг правлениелари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳам бу соҳага катта эътибор бериб, механизаторларимизнинг ҳар тарафлама унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шароитларни яратиб берди. Тракторчилар плугаторлар билан тўла таъминланди. Улар учун тайёрланган махсус дала шийпонларида икки маҳалдан иссиқ овқат ташкил қилинди. Кунлик графикни ошириб бажарган — ҳар беш кунликда социалистик мусобақада ғолиб чиққан трактор бригадалари аъзолари МТС дирекцияси томонидан ҳам, колхозларнинг правлениелари томонидан ҳам рағбатлантирилиб турилди. Амалга оширилган мана шу тадбирлар туфайли ўтган йилнинг шу кунига қараганда бу йил 10 процентга яқин пахта майдони ортиқча шудгор қилинди. Айниқса, Сталин номли, Свердлов номли колхозларда хизмат қилаётган трактор бригадалари аъзолари эришган муваффақиятлар қувончли бўлди. Улар ҳар иккала йирик колхознинг пахта майдонларини муддатидан илгари сифатли шудгор қилиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

МТСимиз коллективи ҳар йилгидек бу йил ҳам мавжуд техникани кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйиш учун барча зарур чораларни кўрди. Областимизнинг айрим МТСларида қишлоқ хўжалиги машиналарининг ҳаммасини бир вақтда — бирйўла ремонт қилишга киришилади. Натижада иш тиғиз келиб, шошмашошарлик билан ўтказилган ремонт сифатсиз бўлади. Ёки бўлмаса бу муҳим соҳа кўклам экиш кампанияси бошлангунга қадар давом этаверади. Бизнинг МТСимиз коллективи эса ремонт ишларини йил бўйи давом эттиришга одатланганлар. Бу метод ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

Бизда қишлоқ хўжалиги машиналари ва асбоб-ускуналарини ремонт қиладиган махсус бригада тузилган. Бу бригада темирчи, слесарь ва кўчма устахона билан таъминланган. Ҳар бир колхозда трактор бригадалари учун қурилган алоҳида дала шийпонлари бор. Чигит экиш тамомландими, универсалчилар сеялкаларини ана шу дала шийпонига келтириб ювиб-тозалайдилар, сўнгра ремонт бригадасини чақирадилар. Бригада ўз ишини ўтаб бўлган сеялкаларни ана шу жойнинг ўзида сифатли ремонтдан чиқаради. Борона, чизель, плуг, ер текислайдиган машина, культиваторларнинг ремонти ҳам ўз мавсумига қараб ана шу метод асосида ўтказилади.

Шу йўл билан МТСимиз коллективи кўклам экиш кампаниясида ишлатиладиган 11 та ер текислайдиган машинани, 38 та плугни, турли маркали 63 та сеялкани, 70 та универсал, 12 та АДН тракторини сифатли ремонт қилиб мавсумга тахт қилиб қўйдилар. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа зарур асбоб-ускуналари ҳам тўла ремонтдан чиқарилди. Бу соҳада МТСнинг бош инженери Ю. Богалюбов, қишлоқ хўжалиги машиналари механиги — инженер А. Мажидов ўртоқлар механизаторларнинг ишига яхши раҳбарлик қилдилар. Улар кўп йиллик тажрибалар асосида ремонт ишларининг муддатидан илгари тамомланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

МТСимиз коллективи ремонт учун ажратилган маблағдан 135 минг сўм тежаб қолдилар. Хўш, бунга биз қандай қилиб эришдик? Айрим жойларда ремонт қилиниши лозим бўлган қишлоқ хўжалиги машиналари, асбоб-ускуналари албатта МТС устахоналарига келтирилади. Натижада бу машина ва асбоб-ускуналар колхоз далаларидан то оралиғи 10-15 километр бўлган устахонага олиб келингунча қанчадан-қанча вақт беҳуда кетади, шу билан бир қаторда унинг зарур деталлари йўқолади, ёки эҳтиётсизлик орқасида машина ва асбоб-ускуналарнинг айрим қисмлари синиши мумкин. Бундан бир-икки йил илгари мана шундай кўнгилсиз воқиалар ўзимизнинг МТСда ҳам юз берган: Сталин номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Б. Зейтиллаев ремонт қилиш учун МТСга олиб келаётган плугини йўлда синдириб, аравага ортиб келишга мажбур бўлган. Тракторчи М. Юсупов эса чимқирқар плугни йўқотган. Ана шу сабоқлардан кейин эса, бизда бундай кўнгилсиз воқеаларнинг юз беришига чек қўйилди. Қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарининг кўчма устахона ёрдамида ўз жойида ремонт қилиниши, шунингдек ҳар бир деталга механизаторлар жавобгарлигининг ошириши, запас қисмларнинг кўз қорачиғидай сақланиши натижасида биз давлатнинг ана шундай катта маблағини тежаб қолишга эришдик.

МТС дирекцияси ва бошланғич партия ташкилоти қадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам етарли эътибор бермоқда. Бу йил МТСимиз зонасидаги колхозларда пахта майдонларининг асосий қисмига 60х50, 50х50 схемасида квадрат-уялаб чигит экиш планлаштирилмоқда. Қарийб 90 процент ердаги ғўза узунасига ва кўндаланғига парвариш қилинади. Бу ишларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида агротехника ўқувини бошлаб юбордик. Квадрат-уялаб чигит экадиган универсал ва сеялкани яхши бошқара оладиган 140 дан ортиқ киши бу ўқишга жалб қилинди.

Бу йил Москвада бўладиган пахтакорларнинг Бутуниттифоқ биринчи қурултойи яқинлашиб келмоқда. Механизаторларимиз ана шу кунни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун кўклам экиш кампаниясига янада қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Пахта майдонларининг қолган озгина қисмини 3-4 кун ичида шудгорлаб қўйиб, бу йил мамлакатимизга 3 миллион тонна пахта етиштириб беришдек умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишни ўзимизнинг астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шудгорлаш ҳам, техникани кўкламга тайёрлашда ҳам пахтакорлар ҳурматига сазовор бўлган илғор механиклар — **И. Иброҳимов** (чапда), **С. Исмонлов** ўртоқлар.

Коммунистлар авангард

М. ЯНУШЕВ,
МТС бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Ўтган йили ҳам МТСимиз коллективи техникани кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйишда бирмунча ютуқларни қўлга киритган эди. Бунда бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турган коммунист ўртоқларнинг роли катта бўлган эди. Улар пахта далаларини шудгорлашда ҳам, қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилишда ҳам механизаторларнинг олдинги сафларида борган эдилар, бошқаларга ўрнак бўлиб, астойдил меҳнат қилишган эди.

Ҳозир МТСимизда 36 коммунист бор. Улардан 27 киши бевосита ишлаб чиқаришда актив қатнашмоқда. Колхозларда шудгорлашнинг муддатидан илгари тамомланишига эришган коммунист механизаторлар ҳозир МТС устахонасида техникани кўкламга тайёрлашда ҳам ўз бурчларини садоқат билан бажаришаяпти. Ремонтдан чиқарилган қишлоқ хўжалиги машиналарини қайта кўриқдан ўтказишаяпти.

Сталин номли колхозда хизмат қилаётган трактор бригадасининг бошлиғи И. Иброҳимов ўзининг ташкилотчилиги, бригадага яхши раҳбарлик қила олиши билан обрў қозонган. У бошлиқ бригада аъзолари икки сменада сидқидилдан меҳнат қилиб, пахта далаларини муддатидан илгари, сифатли шудгор қилиб бўлишди, чигит экиш кампанияси учун зарур бўлган техникани тўла ремонтдан чиқаришди. Улар кўкламни ҳар тарафлама шай ҳолда кутиб олмоқдалар.

Шунингдек, Фрунзе номли колхозда хизмат қилаётган, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам 9-10 гектардан пахта майдонини шудгорлашга эришаётган Мамед Аблурафиев, Йўлдош Фазлиддинов, «Коммунизм» колхозида хизмат қилаётган Ҳамдам Аҳмедов ўртоқлар каби коммунистларнинг ҳалол меҳнатлари ҳақида қувониб сўзлайсан киши.

МТС бошланғич партия ташкилоти механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳам яхши йўлга қўйган. 600 кишилик ҳашаматли клуб биносида механизаторлар учун ҳар куни янги кинофильмлар кўрсатилади. Улар бадиий фильмлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига оид фильмларни ҳам тамоша қиладилар, янгиликлар билан танишадилар. Механизаторлар кундалик газета ва журналларни ўз вақтида олиб турибдилар. Коммунистлар ва комсомоллар ишлаб чиқаришда актив қатнашиш билан бирга механизаторлар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг меҳнатга бўлган муҳаббатини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш МТС коммунистларининг жонажон ишига айланган.

Коммунистларнинг ҳар жиҳатдан ҳам бошқаларга намуна бўладиган ишлари, ҳалол меҳнатлари МТСимизда кўклам экиш кампаниясига тайёргарликнинг барвақт тамомланишига катта ёрдам берди.

Механизаторларимиздан миннатдормиз

А. ОРТИҚОВ,
Сталин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Колхозимиз аъзолари ўтган йили дуч келган об-ҳаво қийинчиликларини ўз ҳалол меҳнатлари билан енгиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. 1180 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 32.5 центнердан пахта топшириб, йиллик планни тула бажардик. Бундай муваффақиятга эришишда куз ва баҳор фаслида ерларимизни кўнгилдагидек шудгорлаб берган, чигит экиш, ғўзаларни парвариш қилиш, кеч кузда кўрак чувиш ишларида ғайрат қилиб, огиримизни енгил қилган азамат механизаторларимизнинг хизмати катта бўлди. Колхозимизнинг каттадан-кичиги уларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишади. Кексаларимиз умридан барака топишсин дейишса, ёшларимиз механизаторларга раҳмат айтишмоқда.

Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, бу йил ҳам барча майдонларда мўл ҳосил етиштириш мақсадида кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқламиз. Колхозчиларимиз қишки тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш соҳасида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Кузги-қишки дала ишларини бажаришда бу йил ҳам колхозимизда хизмат қилаётган механизаторлар ғайрат кўрсатиб ишладилар. Улар шудгорнинг моҳиятини, унинг мўл ҳосил гарови эканлигини яхши тушунганлари ҳолда ўз универсаллари н и н г бетиним юриб туришини таъминладилар. Айниқса, Султон Косоқбоев Менаҳмад Зангатаев, Абдужаббор Қодиров каби илғор механизаторларнинг қўлга киритган ютуқлари мақтовга лойиқ. Уларнинг ҳар бири 250-300 гектардан ерни сифатли шудгор қилдилар. Шундай қилиб, колхозимиз бўйича пландаги 1193 ўрнига 1261 гектар ер ҳайдалди.

Бу йил ҳар гектар ерда 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз. Бунинг учун аввало чигит экишни агротехника белгилаган муддатларда сифатли тамомлаш талаб қилинади. Ана шунга эришганимизда чигитни бир текис ундириб олган ва келгуси ишларимизнинг муваффақиятига замин яратган бўламиз.

Механизаторларимиз бунга яхши тушунганлари ҳолда ер текислаш машиналарини, борона ва чизелларни, сеялкаларни муддатидан илгари ремонт қилиб бўлдилар. Экишга тахт қилинган универсалларни шу кеча-кундузда қайта кўздан кечирмоқдалар.

Колхозчиларимиз механизаторлар билан ҳамкорликда ана шундай ҳалол меҳнат қилиб кўкламни шай ҳолда кутиб олмоқдалар. Биз азамат механизаторлардан миннатдормиз.

Менинг аҳдим

Х. ЗИЯЕВ,
сеялкачи.

Сеялкачиликнинг ҳам ўз гашти, завқи бор. Мен бу касбни бир неча йилдан бери бажариб келмоқдаман. Ўз эккан чигитинг униб чиқиб, дала бетини қоплаган, мўл ҳосилдан дарак бераётган бўлиқ ғўзаларни кўриб қанчалик қувонасан киши. Ўша ердан мўл пахта ҳосили йиғиб олинганда «бу ерга ким чигит эккан эди» деб сўраганларида Ҳамидулла, деб жавоб беришса, мана шунинг ўзи менинг меҳнатимга берилган катта баҳо!

Ўтган йили «XIX партсъезд» колхозининг ўртоқ Аҳмад Юнусов бошлиқ бригадаси ерларига чигит экдим. Сеялка яхши ремонт қилинганлиги сабабли экиш қисқа вақт ичида тамомланди. Ҳар бир киши учун графикда белгиланган 80 ўрнига 130 гектар ерга чигит экишга эришдим.

Аҳмад аканинг бригадаси ҳалиҳали мендан, универсалчидан миннатдор. Чунки чигит бир текис униб чиқди. Ғўза парваришини жойига қўйган бу бригада аъзолари 71 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37,5 центнердан пахта ҳосили олишга эришдилар.

Бу йил ҳам бригаданинг ҳамма ерига ўтган йилгидай 60х45 схемасида квадрат-уялаб чигит экилади. Бригада аъзолари ана шу мақсад билан механизаторларга қулай иш шароити яратиб берган ҳолда шудгорлашни сифатли тамомладилар.

Биз чигит экадиган универсал аллақачон ремонтдан чиқарилган. Сеялка шай. Мен бу йил ўз зиммамга 150 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш мажбуриятини олганман. Бу билан мен бу йил мамлакатимизга 3 миллион тонна пахта етиштириб беришдек умумхалқ курашига муносиб хисса қўшган бўламан.

Ўз аҳдимнинг уддасидан чиқиш, чигитнинг сифатли экилишини таъминлаш мақсадида ҳозир агрегатларга ўқуви машғулотларига мунтазам қатнашиб, илғорлар тажрибасини ўрганмоқдаман, бу соҳадаги малакамни оширмоқдаман.

ҲАМКОРЛАР

Ишдан кейинги суҳбат яна қўшни колхозда шудгорлашнинг кечикаётганлиги тўғрисида борди. Трактор бригадасининг бошлиғи Маҳмуджон қўлидаги сводкага назар ташлар экан, икки қоши ўртасида тугунча пайдо бўлган ҳолда:

— Оғайнилар, — деди у, — ўзимиз хизмат қилаётган колхозда шудгорлашни барвақт тамомладик. Бу ҳаммамизнинг ютуғимиз. Мана, ремонтни ҳам тамомлаш арафасида турибмиз. Аммо лекин қўшнимизнинг аҳволи бироз танг келганда қараб туришимиз инсофдан эмас, — Маҳмуджон бу гапга бошқалар нима дер экан деган мақсадда атрофидагиларга бир-бир назар ташлаб чиқди. Орага чўккан бироз жимликдан сўнг Тўлаган ака механикнинг гапини маъқуллаб сўз бошлади:

— Ёрдам бериш керак, — деди у, — ахир бир колхознинг иши дуруст бўлгани билан қўшни колхозлар орқада қолса фойдаси йўқ, ҳа, фақат ўзимиз учун эмас, районимизнинг обрўси учун курашайлик.

Тўлаган ака 25 йилдан бери трактор рулини маҳкам ушлаб келяпти. Эллик баҳорни кўриб, ҳали ҳам ўзинд йигитлардек тетик ҳис қиладиган бу киши ўз касбининг моҳир эгаси, бу соҳада бой тажриба орттирган. Шунинг учун ҳам каттаю-кичик уни ҳурмат қилади. Маслаҳатларига қулоқ солади. Ҳозир ҳам ҳудди ана шундай бўлди. механизаторлар «XIX партсъезд» колхозига ёрдам бериш учун қарор қилишди. Нега деганда улар бу колхоздаги механизаторларнинг ҳам яхши ишлаётганликларини, фақат йиғим-терим бироз кечикканлиги сабабли шудгорлашни вақтида тамом қила олмаётганликларини яхши тушунардилар.

— Қани, ёрдамга кимларни юборамиз, ким тайёр, — сўради Маҳмуджон, — биз ёрдамга борадиган ўртоқларимизнинг ўрнини босамиз, ремонтни тезлаштирамиз, ҳар ҳолда мусобақадошларимизга ютқазиб қўймаймиз.

Ҳамид Имомов билан Деҳқон Иброҳимовлар талабгор бўлиб чиқишди. Улар бир оғиздан: «биз борамиз, ишончларингизни оқлаймиз» дейишди.

Эртаси куни «XIX партсъезд» колхозининг раиси Назир ака Воҳидов ҳам, трактор бригадасининг бошлиғи Қўзи Исаев ҳам колхозга ҳамкорлар келганлиги ҳақида дарак топишди. Улар шудгор қилинаётган пахта далаларига етиб келганларида Ҳамид билан Деҳқонбой бошқа механизаторлар қатори иш бошлаб юборган эдилар. Қудратли тракторлар ер кўксини тилар, уларнинг овози кенг далани янгратарди. Пахтачилик бригадири ва звено бошлиғи ҳамкорлардан хурсанд бўлганлари ҳолда плугаторлик қилишарди.

— Раҳмат, балли, — деди раис Ҳамид билан Деҳқон тракторларини шу томонга суриб келганларида, — ҳеч эсдан чиқмайдиган иш қилибсизлар...

Маҳмуджонлар бригадаси Икром Иброҳимов бошлиқ трактор бригадаси билан мусобақалашган. Ҳар иккала бригада бу мусобақада ғолиб чиқишлик учун астойдил курашдилар. Ишни икки сменада ташкил қилиб, ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ҳар иккала йирик колхозда шудгорлашни бир кунда тамомладилар. Энди улар техникани кўкламга тахт қилиб қўйишда ҳам астойдил беллашишаяпти.

Мана, Маҳмуджонлар бригадаси қўшни колхозга ёрдам уюштириб, мусобақада олдинга силжидилар. Ташаббускорлик қилдилар. Бу хабар Сталин номли колхозда хизмат қилаётган Икром Иброҳимов бригадаси аъзоларига ҳам келиб етди. Ахир қўшни колхозларга ёрдам қилиш нима учун буларнинг қўлидан келмасин! Бу бригаданинг ҳам аъзолари норгул, азамат йигитлар-ку!

— Келинглар, оғайнилар, — деди ремонт авж олиб турган бир пайтда Икром Иброҳимов, — бизнинг қўшнимиз «Коммунизм» колхози ҳам шудгорлашда кейинда, шатакка олайлик. «Қўйнидан тўкилса қўйжига» дейдилар. Ахир у ҳам ўз зонамиздаги колхоз-ку!

Бригада илғор тракторчилардан Ғаффор Ҳамроқулов билан Абдурасул Исоқовни «Коммунизм» колхозига жўнатишди. МТС устахонасида қолган дўстлар эса сўнгги универсалларни ремонтдан чиқариш учун илгариги ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишлай бошладилар.

Оралан 3-4 кун ўтгани йўқ. Ёрдамга кетган дўстлардан-ҳамкорлардан хуш хабар келди: «Коммунизм» колхози ҳам, «XIX партсъезд» колхози ҳам бугунэрта шудгорлашни тамом қилар эмиш.

Свердлов номли колхозда хизмат қилаётган трактор бригадасининг бошлиғи Маҳмуджон Саидумаров билан, Сталин номли колхозда хизмат қилаётган трактор бригадасининг бошлиғи Икром Иброҳимов бугун бир-бирларини табриклашаяпти.

— Техникамиз кўкламга шай, мусобақадош, — дейди Икромнинг қўлини маҳкам қисиб Маҳмуджон.

— Энди ўз кучимизни чигит экиш кампаниясида синашиб кўришамиз, ҳозиргача кучимиз тенг келди; оғайни, — дейди кулиб Икром.

У. ЖОНГИТОВ.

МТСда колхозларда хизмат қилаётган механизаторлар билан ҳам, устахонада техникани кўкламга тахт қилиш учун курашаётган ремонтчилар билан ҳам алоқа боғлайдиган диспетчер хонаси бор. Қилинган ишларнинг натижаси, навбатдаги бажариладиган ишлар-мана шуларнинг ҳаммаси анашу диспетчер ёрдамида аниқ ҳисобга олиб борилмоқда. МТСда барча техника кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилди. **Суратларда:** 1. диспетчер ўртоқ **Т. Долоказова** устахонада бажарилган ишлар ҳақида маълумот олмоқда. 2. **В. Долоказов** ва слесарь **Г. Бариев** ўртоқлар ремонтдан чиқарилган универсални қайта текшириб кўрмоқдалар. **В. Салов** фотолари.

Бригадамиз муваффақияти

М. САИДУМАРОВ,
трактор бригадасининг бошлиғи.

Бизнинг трактор бригадамиз аъзолари ўтган йили ҳам Свердлов номли колхозда хизмат қилган эди. Бу колхозда шудгорлашнинг эрта тамомланишини таъминлаган илғор бригадалар экиш кампаниясини кўнгилдагидек ўтказиб, чигитни ернинг ўз намида ундириб олиб, яхши натижаларга эришдилар.

Трактор бригадамиз аъзолари бу йил ҳам ўтган йилги тажрибалар асосида шудгорлашни барвақт тамомлаш учун курашдилар. Ишни икки сменада ташкил қилганлигимиз, яккама-якка мусобақани тўғри йўлга қўйганлигимиз колхоз правлениеси томонидан бизга қулай иш шароити яратиб берилганлиги сабабли бу соҳада бошқа трактор бригадаларига қараганда анча олдинда бордик.

Айниқса, Тошпўлат Шомаҳмудов, Худоёр Ҳошимов, Тўлаган Тошев ўртоқлар эришган ютуқлар ҳаммамизни қувонтирди. Бу илғор механизаторларимизнинг ҳар бири 250-300 гектардан ерни сифатли шудгор қилдилар.

Ўтган йили колхознинг бир қатор бригадаларида пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмай қолди. Бунга асосан кузги шудгорнинг ўз вақтида ўтказилмаганлиги сабаб бўлди. Бу йил шудгорлашни эса шу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўтказдик. Колхоз бўйича пландаги 928 гектар ўрнига 1110 гектар ерни муддатидан илгари шудгор қилиб қўйдик. Ўтган йили гектаридан 35,5-37,5 центнердан ҳосил йиғиб олган Т. Исломов, К. Фатҳуллаев, Б. Олимбоев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари механизаторларимиздан чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

Бригадамиз аъзолари ўз агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб, кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйдилар. 19 та универсал ва сеялка чигит экишга тайёр. МТС дирекцияси ва бошланғич партия ташкилоти бригадамизни эришган ютуқлари учун пул билан мукофотлади. Кўчма Қизил байроқни олишга муяссар бўлдик.

Совет Шарқининг ҳаво дарвозаси

1. Аэровокзал вестюбюлига кириладиган асосий йўл.

2. Кутиш зали.

Тошкент аэропорти Совет Шарқида яшовчи халқларни Ватанимиздаги бошқа Иттифоқдош республикалар билан боғловчи серқатнов ҳаво йўлига жойлашган. Бу ерда пассажир самолётларнинг ҳаракат тезлиги йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўтган йил кўкламидан бошлаб маҳаллий линиялар билетининг арзонлашгани ва Тошкент аэропортидан «ТУ-104» самолёти қатнай бошлаганидан бери самолётга тушадиган пассажирлар сони 4 баравар ортди.

Илгарилари самолётда учган кишини довюракли, қаҳрамон киши деб ҳисоблашарди. Аммо ҳозир ҳаво кораблида учиш поездда, пароходда юриш ва автомашинага тушишдек оддий бир ҳол бўлиб қолди.

Тошкент аэропорти яқин келажакда янги турбореактив ва турбовинтли пассажир самолётлар — «ТУ-110», «Украина», «Москва» каби ҳаво корабиллари билан бойийди.

Шуни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керакки, Осиёдаги Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Афғонистон, Миср ва бошқа бир қанча шарқ мамлакатлари билан Совет Иттифоқининг ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожланиши туфайли Тошкент аэропорти Совет Шарқининг ҳаво дарвозасига айланиб қолди. Чет эл шарқи мамлакатларининг жуда кўп делегациялари, давлат ва жамоат арбоблари, туристлар Тошкентга келадилар ёки пойтахт аэропортига қўниб ўтадилар. Осиё ва шарқ мамлакатларидан йўлга чиққан сайёҳ Копенгаген, Париж, Лондон, Женева, Варшава, Прага, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларга бориш учун Тошкент аэропортидан ўтади. Ҳуллас, бу фактларнинг ҳаммаси, Тошкент аэропортининг халқаро аэровокзалга айланиб қолганини кўрсатиб турибди.

Йўловчиларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ва улар учун катта қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент аэропортида яқинда янги аэровокзал қуриб, ишга туширилди.

Янги аэровокзални қуришда шарқ архитектурасининг бой меросидан, гўзал миллий формаларидан усталик билан фойдаланилган. Бино ичидаги фойелар, верандалар миллий калоритда жиҳозланган. Ҳар ер-ҳар ерга қўйилган гуллар газони ва фонтанлар иссиқ ёз кунларида ҳавони салқин қилиб туради. Бинода жуда кўп заллар бўлиб, ҳар бир зал ўз архитектурасининг оригиналлиги, нафис миллий нақшлари билан ажралиб туради. Ойнаванд заллар, йўловчилар хоналаридан болалар ва оналар хонаси ҳамда бошқа кўпгина муассасалар жойлашган.

Залдан мармар зина орқали иккинчи қаватга кўтариласиз. Бу ерда кутиш зали ва ресторан жойлашган. Ошхонада ҳамма овқатлар электр қуввати ёрдамида тайёрланади. Шу сабабли ошпазлар хўрандаларга ҳар хил таомларни тез ва сифатли қилиб тайёрлайоладилар.

3. Ресторанда.

Аэровокзалнинг умумий майдони 18 минг куб метрни ташкил этади. Кўркам бинонинг ичида 80 тадан ортиқ хона бор. Ана шу хоналарнинг ҳаммаси йўловчиларга қулай шароит яратадиган зарур нарсалар билан таъминланган.

Йўловчи самолётдан тушгач тўппа-тўғри «операция зали» деб аталувчи ёруғ, кенг, кўркам хонага киради. Бу залда йўловчилар учун зарур бўлган билетлар кассаси, справкалар бюроси, почта-телеграф бўлими (шаҳарлараро телефон билан), газета ва журналлар киоскаси, омонат касса, сартарошхона, медицина пункти, пойтахт атрофи ва самолёт қўнадиган ва учиб кетадиган майдон бемалол кўриниб туради. Бундай қулайлик мавжуд аэровокзалларнинг бирортасида ҳам йўқ.

Аэровокзалнинг умумий майдони 18 минг куб метрни ташкил этади. Кўркам бинонинг ичида 80 тадан ортиқ хона бор. Ана шу хоналарнинг ҳаммаси йўловчиларга қулай шароит яратадиган зарур нарсалар билан таъминланган.

Йўловчи самолётдан тушгач тўппа-тўғри «операция зали» деб аталувчи ёруғ, кенг, кўркам хонага киради. Бу залда йўловчилар учун зарур бўлган билетлар кассаси, справкалар бюроси, почта-телеграф бўлими (шаҳарлараро телефон билан), газета ва журналлар киоскаси, омонат касса, сартарошхона, медицина пункти,

4. Чет эл туристлари учун кутиш залида.

Н. Кузнецов фотолари.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ижроия комитетининг баёноти

ПАРИЖ, 22 январь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши раиси Фредерик Жолио-Кюри секретариати матбуотда эълон қилиш учун қуйидаги баёнотни топширди:

«Атом базалари миқдорининг кўпайтирилаётганлиги, баллистик ракеталарнинг жойлаштирилаётганлиги ва водород бомбалари ўрнатилган самолётларнинг учишлари тинчликни таъминлай олмаслигини жамоатчилик яхши билади. Зўр бериб қуролланишни кучайтириш эмас, балки қуролсизланиш кескинликни юмшатишга ва халқлар ўртасида бегараз ҳамкорлик ўрнатишга олиб келажагини жамоатчилик яхши билади.

Турли сиёсий доиралар атом қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги, атом қуролидан холи бўлган зонани вужудга келтириш тўғрисидаги, ҳарбий базалардан воз кечиш ҳақидаги, қуролли кучларни камайтириш тўғрисидаги таклифларни тобора зўр бериб қувватламоқдалар.

Барча қитъаларда тинчлик кучлари ўз ҳаракатларини кучайтирмоқдалар ва мувофиқлаштириб олиб бормоқдалар. 9 минг олимнинг баёноти, ишчи ташкилотларининг тутган позицияси, Осиё ва Африка халқларининг катта намойишлари, Европада ракета установкаларини жойлаштириш планларига қарши чиқилаётганлиги, Лотин Америкасида эса ҳарбий пактларнинг кенгайтирилишига қарши чиқилаётганлиги, Америка Қўшма Штатларида тинчлик проблемалари юзасидан муҳим дискуссиялар олиб борилаётганлиги буни исбот этади.

Юксак даражада кенгаш ўтказиш зарур эканлигини эътироф этаётган ҳукуматларнинг сони тобора ортмоқда. Ана шу кенгаш буюк давлатлар раҳбарларининг ўз таклифларини мувофиқлаштиришларига ва боши берк кўчадан чиқиш йўлини топишларига ёрдам берган бўлур эди. Жамоатчилик шундай кенгашни чақиришни талаб этмоқда. Жамоатчилик ҳар қандай процедура методларига қарамай, ана шу кенгашни ўтказиш вақтини белгилашни талаб қилмоқда. Жамоатчилик кенгашнинг чақирилишини кечиктиришдан атом базаларини тезроқ вужудга келтириш учун ва совуқ урушни кучайтириш учун фойдаланишга йўл қўйишни истамайди. Жамоатчиликнинг ҳаракатлари мувофиқлаштириб олиб борилса ва ишончсизлик бартараф қилинса, у жиддий таъсир кўрсата олади ва ўз продасининг тантана қилишига эриша олади.

Янада зўр бериб ҳаракат қилиш керак. Жаҳон Тинчлик Кенгаши қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик масалалари юзасидан 1958 йил 16 июлдан 22 июлгача конгресс чақиришга қарор берди. Бу конгресс тинчлик йўлидаги ҳаракатни янада кучайтириши лозим. Конгресснинг ишлари фикрларни яқинлаштиришга ва умумий мақсадни белгилашга ёрдам беради. Конгресс тинчлик ва барча халқларнинг гуллаб-яшнаши манфаатларини кўзлаб, миллий мустақилликни ҳурмат қилиш асосида халқаро ҳамкорликнинг энг яхши формаларини таъминлай оладиган шарт-шароитни ўрганади.

Ҳозир шундай пайт келдики, хушёр Жамоатчилик бизни атом урушига олиб борадиган йўлни ўзгартира олади.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ижроия комитети».

СУЛ АРБОБЛАРДАН ИККИ КИШИНИНГ ЎЛДИРИЛИШИГА ҚАРШИ КИПР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ЛОНДОН, 22 январь. (ТАСС). Ғарб информация агентликларининг Никозиядан (Кипр) билдиришича, қарийб 35 минг аъзоси бўлган Умум Кипр меҳнат федерацияси бугун оролнинг барча меҳнаткашларини 22 январга ўтар кечаси Кипр прогрессив арбобларидан икки кишининг ўлдирилганлигига қарши норозилик билдириш юзасидан 48 соатлик забастовка эълон қилишга даъват этган.

Лимасол, Ларнак, Дхекелия (Жанубий Кипр) ва оролдаги бошқа шаҳарларда ишчилар ишларини тўхтатганлар. Забастовка ҳаракати кенг ёйилган Фамагустада ҳам транспорт қатнамаётир, кўп магазинлар ёпиқ.

Никозияда, Ларнакда ва Фамагустада норозилик юзасидан оммавий митинг ва намойишлар ўтказилган.

МИСР ҲУКУМАТ ИҚТИСОДИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ГРУППАСИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Миср саноат министри Азиз Сидқий бошчилигидаги ҳукумат иқтисодий делегацияси аъзолари группаси Ўзбекистонда тўрт кун меҳмон бўлиб, 23 январда «ТУ-104» самолётида Тошкентдан Москвага учиб кетди. Делегация аъзоларининг Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафарида уларга ҳамроҳ бўлган СССРнинг Мисрдаги элчихонаси маслаҳатчиси А. А. Громов, СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг масъул ходимлари В. П. Ребров ва Ю. Б. Афанасьевлар ҳам бу группа билан биргаликда Москвага жўнаб кетдилар.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов, республика ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Э. Э. Ягамбердиев, Ўзбекистон ССР савдо министри Х. А. Маърупов, республика Госплани раисининг ўринбосари Ғ. У. Алиев, жамоатчилик ва матбуот вакиллари меҳмонларни кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Сатира ва юмор

Битта нонда уч иллат

Ўткирали москвалик дўстидан «Эртага уйингда бўламан» деган мазмунда икки энли телеграмма олди. Телеграммани олдию эр-хотин меҳмон кутиш тараддудига тушди. Уйни аввалгидан ҳам шинам қилиб безатди. Хона ўртасига хонтахта қўйилиб, усти пашмак, обаки, чалма ҳалво, қўлбола шинни, боринги жамики кондитер маҳсулотларидан тортиб, деҳқон меҳнатидан унган олма, анор, қовун-тарвуз, узум дегандай барча ноз-неъматлар билан уйиб ташланди. Грама, бўғирсоқ, қуштили, қатлама, варақилар хонтахтага яна ҳам зеб берди.

Ўткирали мундоқ қараса ҳамма нарса бору, фақат нон йўқ. У узоқ ўйланиб қолди. Ахир дўстини шарқча меҳмондорчилик билан кутиб олиши, яъни унинг олдига палов, манти, чучвара, мастава каби овқатлар билан бирга миллий нонлар: гижда, патир, ширмойлар ҳам қўйиши керак. Тўғри, нон йўқ эмас, бор. Бўлганда ҳам жуда кўп, хилма-хил, аммо Тошкент нон заводларида пиширилаётган миллий нонларга ишониб меҳмон кутиш амри маҳол. Нега десангиз, битта нонинг ўзида уч хил иллат бор. Ишонмасангиз нонлардан бирортасини олинг-да, каранг: бир томони пахсадек қалин бўлса, бир томони юпқалигидан қўёш кўринади, орқаси эса албатта куйган бўлади. Шундай бўлса ҳам шу нондан олинг-у, енг. Ана шунда бу нонинг ўзига хос сифатлари билан чинакамига танишасиз: юпқа томони қайиш—узиб бўлмайди, қалин томони хом, ичи берч — еб бўлмайди. Ўткиралининг боши қотгани ҳам шу важдан.

Кейинги вақтларда Ўткирали кўчага чиқса таниш-билишлари: «Ўткирали, сенга нима бўлди, кап-катта одамсан-у, упа суришга уялмайсанми» дейдиган бўлишди. Ўткирали бўлса уларга жавобан «Ўзларингни эпласаларингчи» дерди. «Упа суриш»нинг ҳам сири очилди. Нон заводидаги «новаторлар» печларнинг нон турадиган листларига ёғ ўрнига ун сепишар эканлар. Гижда еганингизда лабингизда тўрт эллик упа пайдо бўлишининг сабаби шу. Дарвоқи, гижда, патирларнинг юзида хол-хол қорайиб турган нарсаларни узоқдан қараб седана дейсиз, яқин келтириб чайнасангиз — кўмир майдалари, куюнди. Ўлганнинг устига тепган дегандек 4-нон заводи (директори И. Д. Салоид, бош инженери М. Н. Рязанова)нинг бригадир пазандаси Э. Жўраев билан 6-нон заводи (директори А. К. Таниева, бош инженери Н. Н. Овчинникова)нинг бригадир пазандаси Х. Муҳаммаджоновлар бу иллатларни оқлашга уруниб, берган жавоблари ҳам қизиқ. Буларнинг ҳаммаси «планни тўлдиришнинг йўли» эмиш! 14,16-нон заводининг пахбарлари бўлса «100 килограмм ундан аввалги 121 килограмм ўрнига 127 килограмм гижда пиширяпмиз» деб керилишади.

Ўткирали амал-тақалини қилиб меҳмонини кузатди. У ҳеч қаерга бориб ҳеч кимга шикоят қилгани йўқ, албатта. Лекин харидорлар нон олаётганда ёки меҳмонга бориб қолганингизда нонларнинг сифати тўғрисида тез-тез шикоят эшитасиз. Бу шикоятлар Тошкент нон трестининг бошлиғи Белюкова ва ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи Бахмон ўртоқларга етиб бордими, йўқми — номаълум. Лекин истеъмолчилар турли ассортиментдаги сифатли нонлар билан дийдор кўришишни орзу қилаётганликлари ойнадек равшан.

М. МИРТОЖИЕВ.

КЎРКАЛАМУШНИНГ АРЗИ

(Масал)

Дарёнинг лабида тер тўкиб Қундуз,
Ҳарсиллаб, тинчимай кечаю-кундуз,
Узига уй қуриш билан овора.
(Бир қўлда болтаю, бир қўлда арра).
Бироз дам олгани тўхтаган эди,
Кўркаламуш ўтиб бораркан, деди:
Қўшни, сен бир жойда яшайсан ҳарон,
Мен эса тинчимай доимо сарсон,
Ўзинг биласан-ку, ҳар ёзу-қишин,
Уёқдан-буёққа кўчишдир ишим.
Қайси жойни кавлаб, жойлашсам агар,
У ердан сассиқ ҳид бурнимга тегар.
Унда тура олмай ҳолим бўлиб танг,
Янги кавак излаб, бошим хўп гаранг!
Нега ахир шундай, айтгинчи, қани?
Қундуз жиддий деди: «Шошма оғайни,
Ҳовлиқма, беқорга бўлаверма хит,
Ерданмас, ўзингдан келар сассиқ ҳид!

* * *

Баъзида учрайди қўнимсиз киши,
Кўркаламуш каби унинг қилмиши.
Юмуши бетайин, ишда беқарор,
Яна бу киши «оқ», бошқа гунаҳкор!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

В. И. Суриков

Бугун прогрессив инсоният гениал рус рассоми Василий Иванович Суриков туғилган куннинг 110 йиллигини нишонлайди.

Суриков санъати ўзининг ҳаққонийлиги, чуқур ғоявийлиги билан совет халқига ва бутун прогрессив инсониятга ғоят қадрлидир. Рассом ижодининг қаҳрамонлари жисмоний кучли, қайноқ ҳис-туйғули, чуқур эҳтиросли кишилардир. Суриков улуғ рассом сифатида Россиядагина эмас, балки бутун дунёда шуҳрат қозонган.

Рассомдан мерос бўлиб қолган картина ва суратлар мазмунан чуқурлиги, образларнинг ёркинлиги ҳамда бу асарларнинг бадиий-техник жиҳатдан моҳирлик билан ишланганлиги туфайли ҳам юксак ўрин эгаллайди.

Социал ҳаётдаги ўзгаришлар, тараққиёт ва санъатдаги кураш процессида буюк рассомлар, шоирлар, музикачилар етишиб чиқдики, улар ўз асарларида халқ ҳаётидаги чуқур ўзгаришларни акс эттирдилар, турғунликка, адолатсизликка қарши янги санъат яратдилар. Суриков ҳам ана шундай гениал санъаткорлардан бири эди.

Суриков ижоди улуғ рус рассоми яшаган даврдаги илғор ғоя ва умидорлиқлар билан, XIX асрнинг иккинчи ярмида санъатдаги демократик оқим билан, рассомчиликда тараққиётчилик деб аталган кучли оқим билан чамбарчас боғланган. Суриков бу оқимнинг энг машҳур намояндаларидан бири эди. Репин ижоди сингари Суриков ижоди ҳам рус реалистик санъатининг чўққисидир.

Суриков 1848 йилда Красноярск шаҳрида туғилди. У болалик чоғларидаёқ рассомликка қизиқди. У мактабда ўқиб юрган вақтида рассом Н. В. Гребнев раҳбарлиги остида

<>

(Туғилган кунига 110 йил тўлиши муносабати билан)

<>

расм солишни ўрганди. 1869 йилда Петербургдаги Бадиий Академияга ўқишга кирди. Суриков Академияда живописчи ва сураткаш сифатида иш олиб борди ва тезда катта обрў қозонади. Суриков шу вақтда яратган картиналарининг сюжетини Россиянинг ўтмиш тарихидан олди. Суриков 1875 йилда Академияни олтин медал билан битириб Москвага келди ва орадан кўп ўтмай, тарихий темаларни акс эттирувчи рассом сифатида шуҳрат қозонади. Рассомнинг бу даврда яратган машҳур асарлари «Стрелецчиларни жазолаш эртаси» (1881), «Меншиков Березовда» (1883), «Боярина Морозова», «Степан Разин», «Суворовнинг Альп тоғларидан ўтиши» каби йирик полотноларидир. Бундан ташқари Суриков бир қанча портрет ва расмлар чизади. Суриков бу расмларда Россиянинг ўтмиш тарихини, рус кишисининг гўзал қалбини эўр маҳорат билан кўрсатиб берди, халқни тарихий воқиаларни тасвирловчи санъатнинг чинакам қаҳрамони қилиб олди.

Тургеневнинг қуйидаги сўзлари Суриков ижодини яна ҳам ёркинроқ характерлайди: «Унда ҳаққоний, қизғин рус қалби садо бериб, нафас олиб турар, юрагингизни мафтун этар, юракнинг чин рус торларини чертиб, мафтун этар эди».

Суриков 1916 йилда вафот этди.

Совет ҳокимияти йилларида Суриковнинг ижоди ҳақида ўнларча китоб ва брошюралар ёзилди. Унинг ажойиб асарларидан олинган нусхалар кўпайтирилиб тарқатилди, катта-катта кўргазмалар ташкил қилинди. Совет зиёлилари, даставвал, совет ёшлари, Суриков ижодини зўр эътибор билан ўрганмоқдалар, унинг хотирасини ҳурмат билан эсга олмоқдалар. Совет санъат арбоблари — Суриков асарларининг, шунингдек ажойиб рус реалистик санъатининг бевосита ворислари ва унинг бой анъаналарини давом эттирувчилардир. Илғор марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган совет рассомлари социалистик воқеликдан илҳом олиб, ўтмишнинг юксак бадиий анъаналаридан фойдаланиб, социализм даврининг улуғ ғоялари ва ишларини акс эттирувчи янги, улуғвор санъатни барпо қилиш йўлидаги курашни тинмай давом эттирмоқдалар.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Телевизор экранида

24 январь

19.30 Ўрта ёшдаги болалар учун эшиттириш. «Гулхан» журнали 1-сони ва «Ғунча» журнали 1-сонининг обзори.
20.00 Врач маслаҳати.
20.20 Киножурнал.
20.30 Бадиий фильм — «Дитте — одам боласи».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/I да **Гамлет**, 25/I да **Жазоир менинг ватаним!**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 26/I кундуз соат 2 га белгиланган Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов концерти қолдирилди.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Энг кекса цирк артисти **Михаил Калядин** раҳбарлигида ўн қизиқчининг иштироки билан **«Кулги кечалари».** Тамоша давомида — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Павел Боровиков** қатнашади.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **Партизан учқуни.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Иккинчи хотин.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Оддий аскар Александр Матросов,** қолган сеансларда **Иккинчи хотин.**

Тошкент шаҳар, Катта қозиравот кўчаси, Жаркий тупик, 13-уйда турувчи **Мавжуда Низомованинг** Ховос район, Урсатьевская посёлкаси, Октябрь кўчаси, 14-уйда турувчи Усмон Саидовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими —136 Маданият бўлими— 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06275 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-892.